# I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 10806,9 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 140,5 фоизни ташкил қилди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

| | *млрд.сўм* | *ўсиш суръати, %* | *жамига нисбатан фоиз* |
|---|---|---|---|
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 10806,9 | 140,5 | 100,0 |
| *шу жумладан* | | | |
| Марказлашган инвестициялар: | 4774,2 | 190,4 | 44,2 |
| бюджет маблағлари | 120,7 | 127,3 | 2,5 |
| давлат мақсадли фонд маблағлари | 259,9 | 157,3 | 5,5 |
| тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари | 608,6 | 30,6 | 12,7 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 3785,0 | 19,3м | 79,3 |
| Марказлашмаган инвестициялар | 6030,2 | 116,6 | 55,8 |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 4070,0 | 154,9 | 67,5 |
| аҳоли маблағлари | 760,2 | 103,5 | 12,6 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 523,9 | 36,9 | 8,7 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 676,1 | 177,9 | 11,2 |

## Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

**2017 й**
**январь-сентябрь**




**2018 й**
**январь-сентябрь**




## Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган инвестицияларнинг манбалари

**2017 й**
**январь-сентябрь**




**2018 й**
**январь-сентябрь**



## Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашмаган инвестицияларнинг манбалари




## 2018 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби:

| | *жами* | *Давлат* | *Нодавлат* |
|---|---|---|---|
| | | | |
| **Жами,** ***млрд. сўм*** | 10806,9 | 383,2 | 10423,7 |
| *шу жумладан:* умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида | 100,0 | 3,5 | 96,5 |
| қурилиш-монтаж ишлари | 3350,4 | 322,3 | 3028,1 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 4936,3 | 34,7 | 4901,6 |
| Бошқа харажатлар | 2520,2 | 26,2 | 2494,0 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 0,7 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш

ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 0,8 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа харажатларнинг улуши 0,9 фоизли пунктга кўпайган.

**Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича:**

*(млрд. сўм ҳисобида)*




## Ижтимоий соха объектларини қуриш

2018 йил январь-сентябрда умумий майдони 767,3 минг кв.м. бўлган 5245 та (2017 йил январь-сентябрга нисбатан 99,3 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 447,3 минг кв.м. (82,2 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-сентябрда 2394,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 102,3 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 7,2 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 13,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 72,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида қурилиш ишларининг ўсиш суръати ( % да)**




Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2333,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,4 фоизни (2017 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 125,3 фоизни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:**
(*умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида*)



Ҳисобот даврида Қашқадарё вилояти бўйича жами қурилиш ишлари хажми 2394,8 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 97,4 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Қарши шаҳрида 2,9 улушни (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 90,5 фоизга камайган), Муборак туманида 1,0 улушни (55,0 фоизга камайган), Косон туманида 6,6 улушни (104,3 фоизга кўпайган) ташкил қилди.

Кичик пудрат ташкилотлари ва микрофирмалар томонидан салмоқли қурилиш ишлари ҳажми Қарши шаҳрида 474,7 млрд. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 122,8 фоиз, мос равишда Китоб туманида 189,5 млрд. сўм (123,3 фоиз), Қарши туманида 222,2 млрд. сўм (126,7 фоиз), Шаҳрисабз туманида 60,0 млрд. сўм (121,8 фоиз) бажарилди.

Жами қурилиш ишлари ҳажмида, корхоналарнинг янги қурилиши, реконструкция қилиниши, кенгайтирилиши ва техник қайта қуроллантирилишининг улуши 72,6 фоизни, капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларининг улуши эса 27,4 фоизни ташкил этди.